



## Тошкент шаҳридаги “Осиё” ресторанида мусобака бошланди

Бугун 14 феврал куни Тошкент шаҳрининг учта ҳудудида Куръон мусобакаси бўлиб ўтмоқда. Айтилганда “Муслимаат.уз” сайти жамоаси “Осиё” ресторанига мусобака жараёнини ёритиш учун етиб келдилар.

Бизга маълум қилишларича, мазкур мусобакада Юнусобод, Яккасарой ва Мирзо Улугбек туманларидан жами 32 та аёл-қиз иштирокчилар беллашишмоқда. Шундан иккитаси хифз йўналиши бўйича мусобакалашади.

Муборак беллашувни гўзал Куръон тиловати ва салавоту нашидлар бошлаб берди.

Ундан сўнг Юнусобод бош имом-хатиби Раҳматуллох қори Сайфуддинов сўзга чиқиб, ўз дил сўзлари билан ўртоқлашди ва иштирокчи аёл-қизларга муваффақият тилади. У киши шу йил ёз ойларида халқаро Куръон фестивали фаравон юртимизда бўлишини хушхабар бердилар.

Кейин “Муслимаат.уз” аёл-қизлар сайти раҳбари, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг фарзанду аржумандлари Одинахон Муҳаммад Содик ҳам нутқ

олди ва олим отасининг Куръони Каримга бўлган муносабатлари хақида гапириб берди.

Сўнг хифз йўналишидаги аёл-киз беллашувчиларга навбат берилди.

Кизларнинг маҳоратини баҳолаш учун йигилган хайъат аъзолари билан ҳам танишинг:

1. Курбонова Гулободхон
2. Эргашева Мухлисахон
3. Сайдахмедова Одинахон
4. Бобоева Бибиробияхон
5. Кодирова Муслимахон
6. Мухаммадлойик кори Абдулвохид ўгли

Барча иштирокчиларга Аллох таолодан муваффақиятлар тилаган холда хабарлар давомини биз билан кузатишингизни сўраб қоламиз.

Зухраҳон ХАМДАМОВА

“muslimaat.uz” учун махсус тайёрлади.